# Ш А Р Т Н О М А № 136573

Мухандислик хизматини кўрсатишга

Урганч ш. «_24_» ___август___ 2022 й.

Тошкент Давлат Транспорт Университетининг ўз-ўзини молиялаштирадиган илмий-тадқиқот сектори, қуйида **«Ижрочи»** деб юритиладиган, унинг номидан 14.01.2022 йилдаги № ЮР-01-01 ишончнома асосида иш олиб борадиган Шаумаров Саид Санатович бир томондан ва Урганч шаҳар ҳокимияти, қуйида **«Буюртмачи»** деб юритиладиган, унинг номидан Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни асосида иш юритувчи Урганч шаҳар ҳокими Холбоев Ойбек Мадаминович иккинчи томондан иштирок этади, биргаликда қуйида **«Томонлар»** деб номланади, қуйидагилардан иборат бўлган мазкур Шартномани туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1. **Ижрочи** ушбу шартномага асосан **Буюртмачи** топшириғига биноан ушбу шартнома шартларига мувофиқ "Урганч шаҳар транспорт тизимининг математик моделини ишлаб чиқиш" бўйича муҳандислик хизматини кўрсатишни ўз зиммасига олади (кейинги ўринларда "ХИЗМАТЛАР" деб юритилади) ва кўрсатилган хизматлар натижасини ушбу шатноманинг 2-иловасида келтирилган техник топшириқ (кейинги ўринларда "ТЕХНИК ТОПШИРИҚ" деб юритилади)га асосан белгиланган тартибда босқичма-босқич Буюртмачига топширади. Буюртмачи эса ўз навбатида, кўрсатилган Хизматлар натижаларини ушбу шартномада белгиланган муддатда қабул қилиш ва Ижрочининг банкдаги хисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. **Ижрочи** Хизматларни техник топшириққа мувофиқ кўрсатади ва ўз маблағлари ҳисобидан учинчи томонларни жалб қилиш ҳуқуқига эга, бунда Ижрочи Буюртмачи олдида учунчи томон ҳаракати учун жавобгардир. Учинчи томонни жалб қилиниши ушбу шартномада кўрсатилган миқдордан ташқари қўшимча ҳаражатларни келтириб чиқармаслиги зарур.

1.3. Хизматларни жорий этиш худуди: Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри.

## 2. Тарафлар мажбуриятлари

2.1. **Ижрочининг мажбуриятлари:**

- Ушбу шартнома ва Техник топшириқ асосида белгиланган Хизматларни сифатли ва муддатда бажариш;
- Транспортни моделлаштириш сохасида Буюртмачининг мутахассисларини малакаларини шакллантириш мақсадида Хизмат кўрсатиш жараёнида ўтказиладиган тадқиқотларда иштирокини таъминлаш;
- Ушбу шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар натижаларини, ҳисобот ва молиявий ҳужжатиларини Буюртмачига ўтказиш;
- Ушбу Шартноманинг 10-бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан тақдим этилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

- Ушбу Шартноманинг 1-иловасида келтирилган Хизматларнинг х;ар бир боскичи якунига етгандан сунг Буюртмачига курсатилган Хизматларнинг топшириш-кабул килиш Далолатномасини такдим этиш.

2.2. **Ижрочининг ҳуқуқлари:**

- Хизматларни кўрсатишда ушбу Шартномада белгиланган маблағ миқдоридан мустасно равишда, Буюртмачи томонидан қўшимча ҳаражатларни келтириб чиқармасдан ўз маблағлари ҳисобидан учинчи томонларни жалб қилиш;
- Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўғри бажарган тақдирда, кўрсатилган Хизматлар учун тўловни талаб қилиш.

2.3. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

- Ушбу Шартноманинг 1-иловасида келтирилган Хизматларнинг ҳар бир боскичи якунига етгандан сўнг Хизматларнинг топшириш-қабул қилиш Далолатномасини 15 (ўн беш) иш куни ичида имзолаш орқали кўрсатилган натижаларни Ижрочидан қабул қилиш ёки шу муддат мобайнида асосланган раддиясини ёзма равишда Ижрочига йўллаш;
- Ижрочи томонидан кўрсатилган Хизматларни қабул қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш;
- Ушбу Шартнома ва Техник топшириқда белгиланган тартиб ва шартлар асосида кўрсатилган хизматлар учун Ижрочига тўловни амалга ошириш;
- Ушбу Шартнома кучга киргандан сўнг 15 (ўн беш) иш куни ичида ушбу Шартнома ва Техник топшириқ бўйича Хизматларни бажариш учун барча зарурий маълумотларни ва ҳужжатларни (бошланғич маълумотлар) Ижрочига етказиш.

2.4. **Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

- Ижрочининг фаолиятига аралашмасдан ва Хизматлар кўрсатишда тўсиқлар яратмасдан кўрсатиладиган Хизматларни назорат қилиш;
- Техник топшириқ талабларига, шунингдек Шартноманинг бошқа шартларига мувофиқ келмаган Хизматларни қабул қилишни асосли рад этиш;
- Ижрочидан Шартномага мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилишини тасдиқловчи, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисобот ҳужжатлари ва материалларини талаб қилиш;
- Ижрочи ушбу Шартнома ва Техник топшириқ бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда унинг Хизматлари учун тўловни амалга оширишни рад этиш.

## 3. Хизматларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Ижрочи томондан ушбу шартнома бўйича хизматларни бошлаш санаси шартнома Ўзбекистан Республикаси Молия Вазирлигининг Базначилиги рўйҳатидан ўтган кундан кейинги кун кисобланади.

3.2. Ижрочи ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ ҳар бир босқичи бўйича кўрсатилган хизматлар натижаларини Буюртмачига ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган далолатнома билан биргаликда тақдим этади.

3.3. Ижрочидан далолатномани олган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида Буюртмачи кўрсатилган хизматлар натижаларини келишади ёки Ижрочига келишиш бўйича асосланган раддия жавобини ёзма равишда тақдим этади.

3.4. Ижрочидан далолатномани олган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни давомида Буюртмачи ўзи томонидан имзоланган далолатноманинг бир нусҳасини ёки хизматларни қабул қилиш бўйича асосланган раддия жавобини камчиликлар рўйҳати ва бажариш муддатлари билан биргаликда тақдим этади.

3.5. Хизматлар босқичма-босқич амалга оширилади. Хизматларни кўрсатиш

муддатлари ва қийматлари ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофик хизматлар Режа-графиги билан белгиланади.

3.6. Техник топширикда келтирилган хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш мақсадида ушбу шартнома имзоланиши билан Буюртмачи ўзининг ваколатли вакили ёки вакилларини тайинлайди. Ваколатли вакил(лар) хизматлар кўрсатилиш жараёнини назоратини ва техник кузатувини амалга оширадилар, Хизматлар сифатини ва Техник топширик шартларига мувофиқлигини текширадилар ҳамда Хизматларни қабул қиладилар.

3.7. Ижрочи Хизматлар кўрсатиш ҳар бир босқичи якунида Буюртмачи манзилига далолатнома, ҳисоб-фактура ва Техник топширикда кўрсатилган Хизматлар натижасини тақдим этади.

3.8. Камчиликларни бартараф этиш Ижрочи томондан ўз маблағлари ҳисобидан Буюртмачи билан келишилган муддатда амалга оширилади.

Буюртмачи 3.4. бандда келтирилган муддатда кўрсатилган хизматлар бўйича Буюртмачи томонидан имзоланган далолатнома ва асосланган раддия мавжуд бўлмаган ҳолда далолатномада келтирилган хизматлар сифати ва ҳажмидан қатъий назар эътирозсиз қабул қилинган ҳисобланади ва тўлаб берилиши шарт.

## 4. Шартнома нархи ва ҳисоб тартиби

4.1. Ҳисоб-китоб бўйича ушбу шартноманинг нархи ҚҚС сиз **300 000 000 (уч юз миллион) сўмни** ташкил этади.

4.2. Ушбу Шартноманинг 4.1 бандида келтирилган нарх қатъий ва Шартномани бажариш даврида ўзгармайди. Нарх ушбу Шартноманинг 1- иловасига мувофиқ босқичлар бўйича тақсимланади

4.1. Ушбу Шартнома кучга кирган кундан сўнг 10 (ўн) иш кунидан кечикмаган даврда Буюртмачи Ижрочига Шартнома нархининг 30 % микдорида аванс тўловини амалга оширади. Ушбу Шартноманинг 1- иловасига мувофиқ ҳар бир боскич бўйича кўрсатилган Хизматлар учун тўловлар Буюртмачи томонидан Хизматларнинг топшириш-қабул қилиш Далолатномаси имзолангандан сўнг 20 (йигирма) иш кунидан кечикмаган даврда амалга оширилади.

4.2. Меъёрий-ҳукукий актлар, Техник топширик, бошқа бошланғич маълумотлар талабларидан четлашган ҳолда ёки бошқа камчиликпар билан кўрсатилган Хизматлар Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликлар Ижрочи томонидан бартараф этилгунга қадар тўлаб берилмайди.

4.3. Ушбу Шартнома бўйича тўловлар Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишли равишда бажармаганлик учун Томонлар Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарлар;

5.2. Ушбу Шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажарилиш муддатлари Ижрочи томонидан кечиктирилган ҳолда Буюртмачи жарима тўловини талаб килиш ҳукукига эга. Жарима тўлови ҳар бир кечиктирилган кун учун Шартномада белгиланган мажбуриятларни бажариш муддати тугаган кунидан сўнги кундан бошлаб Шартнома нархининг 0,1% миқдорида, бироқ Шартнома бўйича муддатида кўрсатилмаган Хизмат босқичи қийматининг 10% дан ортик бўлмаган миқдорида тўлаб берилади.

5.3. Буюртмачи кўрсатиладиган Хизматлар бўйича тўловларни муддатларида амалга оширмаган тақдирда Ижрочи Буюртмачидан ҳар бир кечиктирилган кун учун Шартнома бўйича муддатида тўлаб берилмаган тўлов қийматининг 0,1% миқдорида, бироқ Шартнома бўйича Хизматлар нархининг 10% дан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима тўловини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бузганлиги учун Томонлар жаримани ва (ёки) бошқа санкцияларни ундириш, шунингдек молиявий ёки бошқа зарарларни қоплаш уларни тўлаб бериш ва (ёки) компенсация қилиб бериш тўғрисидаги ёзма шаклдаги тегишли талабномани юбориш йўли билан амалга оширилади. Талабномага жавоб бериш муддати Томонлар томонидан талабнома берилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни этиб белгиланади.

5.5. Жаримани тўлаб бериш ёки ундириб олиш Томонларни Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6. Форс-мажор

6.1. **Томонлар** фавқулодда кўринишдаги ҳодисалар оқибатида мазкур шартнома тузилганидан сўнг юзага келган: ёнғин, зилзила, ҳарбий ҳаракатлар ва **томонлар** назоратидан ташқарида юзага келган енгиб бўлмас куч туфайли мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун масъулиятдан озод этиладилар.

6.2. Бу ҳолатлар юзага келганида, бир **томон** бошқасини ёзма равишда хабардор этиши шарт.

6.3. Бундай ҳолатлар бартараф бўлганида, бир **томон** зудлик бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Хабарномада ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг унинг давомида бажарилиши кутилаётган муддат кўрсатилиши керак.

## 7. Келишмовчиликларнинг ҳал қилиниши

7.1. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ ҳолда Томонлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар Томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофик Урганч вилояти иктисодий судида кўриб чиқилади. Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тарафлар учун қатъий ва мажбурий хисобланади.

## 8. Шартномани узгартириш ва бекор килиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва иккала Томоннинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга Томонларнинг келишувига ёки фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарарни айбдор тараф тўлаган ҳолда йўл қўйилади.

## 9. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Ушбу Шартнома Томонлар томонидан имзоланган кундан кучга киради ва Томонлар ўз мажбуриятларини тўлик бажаргунларига қадар амалда бўлади.

## 10. Маълумотларнинг махфийлиги

10.1. Томонлар шартнома предметига, уни бажариш жараёни ва илмий-текшириш ишларидан олинган барча натижаларга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга мажбурдирлар.

10.2. Томонлар томонидан ўзаро маълумотлар махфийлигини саклаш мақсадида учинчи шахслар билан маълумот алмашиш, сақлаш ва тақдим этишлари шартнома асосида амалга оширилади

## 11. Бошқа шартлар

11.1.. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ўзбек тилида икки нусхада, Томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан тузилган;

11.2. Қуйидаги иловалар Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади:

1- Илова - Режа-график.

2- Илова - Техник топшириқ.

## 12. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари:

| БУЮРТМАЧИ: | ИЖРОЧИ: |
|---|---|
| **Урганч шаҳар ҳокимияти** | **Тошкент Давлат транспорт университети қошидаги ўз-ўзини молиялаштирадиган илмий тадқиқот сектори** |
| Манзили: почта индекси 220100,<br>Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, А. Баходирхон кўчаси №186<br>л/с: 100022860334017013990018003<br>СТИР 201753140<br>Молия вазирлиги ғазначилиги<br>СТИР 201122919 Марказий банкнинг Тошкент шахар ХККМ МФО 00014 | Манзил: почта индекси100167,<br>Ташкент шахар, Миробод тумани,<br>Темирйулчилар кўчаси, 1. Тел.: 299-05-14<br>ОКЭД 85420 СТИР 201121326<br>л/с: 400110860262737048530022001<br>ЕКС 23402000300100001010<br>Миробод филиалида<br>СТИР 201122919 Марказий банкнинг Тошкент шахар ХККМ МФО 00014 |
| **Урганч шаҳар ҳокими** __________ **Холбоев О.М.** | **Раҳбар** __________ **С.С.Шаумаров** |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI URGANCH SHAHAR HOKIMI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRLIGI TDTU QOSHIDAGI O'Z-O'ZINI MOLIYALASHTIRADIGAN ILMIY-TADQIQOT SEKTORI TDTU

Н. Мурадов.

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 136573 на приобретение Урганч шаҳри транспорт тизимининг математик моделини ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 20.08.2022

Время рассмотрения 19.08.2022 19:35

Конкурсная комиссия Урганч шахар Хокимлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MATYAKUBOV NURBEK RAYIMBERGANOVICH | ижтимой масалалар буйича хоким уринбосари | урганч шаҳар |
| **Секретарь комиссии** | SAMANDAROVA SAYYORA ERKINOVNA | Ҳоким маслахатчиси | урганч шаҳар |
| **Член комиссии** | YAXSHIMURATOV SUXROB ALIMBAYEVICH | бош хисобчи | урганч шаҳар |
| **Член комиссии** | MATYAKUBOV JASUR SHAMILEVICH | газиначи | урганч шаҳар |
| **Член комиссии** | ISAKOV ARTUR ADAMOVICH | секретар | урганч шаҳар |
| **Член комиссии** | MURADOV AZAMAT JUMANAZAROVICH | ҳуқуқшунс | урганч шаҳар |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.08.2022 года № лота 136573.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке рабочего проекта** |
|---|---|
| Подробное описание | . Прогнозирование параметров функционирования транспортной системы города Ургенч: • Обследование параметров работы транспортной системы города Ургенч и подвижности населения в городском и пригородном (муниципальном и межмуниципальном) сообщении; • Разработка математической модели транспортной системы города Ургенч, обязательной для применения при разработке прочих документов транспортного планирования города Ургенч; • Установление системы целевых показателей развития и функционирования транспортной системы города Ургенч; • Планирование мероприятий по осуществлению дорожной деятельности в отношении автомобильных дорог для регионального, межмуниципального и местного значения |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 300 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 300 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Мултимодал транспортни режалаштириш PTV Visim, Vissum дастурларининг лизенцияга эгаликлари

тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Мултимодал транспортни режалаштириш PTV Visim, Vissum дастурларининг лизенцияга эгалиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| СНИС ТГТУ | 20 | Мултимодал транспортни режалаштириш PTV Visim, Vissum дастурларининг лизенцияга эгалиги тўғрисида маълумот | 15 | Экспертная | | |
| TECHNO ENJINEER SERVISE MCHJ | 20 | лицензия имеется | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлаш иштирокчиси тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчиларининг ишчи таркибида ходимларнинг сони ва илмий даражага эга салоҳияти юқори ходимлар мавжудлиги ҳамда мултимодал транспортни режалаштириш PTV Visim, Vissum дастурлари бўйича ходимларнинг сертификатга эгалиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| СНИС ТГТУ | 20 | Танлаш иштирокчилари хакида маълумот | 15 | Экспертная | | |
| TECHNO ENJINEER SERVISE MCHJ | 20 | иштирокчилар хакида маълумот | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ўхшаш хизматларни (ишлар, товарлар) етказиб бериш тажрибаси тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Шахарларнинг транспорт тизими ва инфраструктурасини такомиллаштириш бўйича лойиҳа ва хизматларни амалга муваффаққиятли амалга оширганлини тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| СНИС ТГТУ | 40 | Ўхшаш хизматлар хакида маълумот | 40 | Экспертная | | |
| TECHNO ENJINEER SERVISE MCHJ | 40 | Ухшаш хизматлар | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини; қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини; буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини; имтиёзли солиқ берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтмаганлиги ва ушбу ҳудудларда рўйхатдан ўтган банкларда ҳисоб рақамларига эга эмаслигини;

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **СНИС ТГТУ** | 20 | Кафолат хати | 20 | Экспертная | | |
| **TECHNO ENJINEER SERVISE MCHJ** | 20 | кафолат хати | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **СНИС ТГТУ** | 300 000 000.00 | 300 000 000.00 UZS | 300 000 000.00 | 00.00 | 300 000 000.00 | 18.08.2022 10:20:29 | 15.00 |
| **TECHNO ENJINEER SERVISE MCHJ** | 300 000 000.00 | 300 000 000.00 UZS | 300 000 000.00 | 00.00 | 300 000 000.00 | 19.08.2022 12:52:36 | 15.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **СНИС ТГТУ** | 76.5 | 15 | 91.5 |
| **TECHNO ENJINEER SERVISE MCHJ** | 46.75 | 15 | 61.75 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 136573 от 20.08.2022 года на приобретение Урганч шаҳри транспорт тизимининг математик моделини ишлаб чиқиш определила победителем:

СНИС ТГТУ
201121326

и резервный исполнитель: TECHNO ENJINEER SERVISE MCHJ (309380724)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | MATYAKUBOV NURBEK RAYIMBERGANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | YAXSHIMURATOV SUXRΘB ALIMBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MATYAKUBOV JASUR SHAMILEVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | ISAKOV ARTUR ADAMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MURADOV AZAMAT JUMANAZAROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП